Ушбу сонда:
2 КЕЛАЖАК УЧУН БАРЧА МАСЪУЛ
3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ
4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

МЕҲНАТГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 23 октябр, шанба № 169 (1802)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

26 декабр: сайловни очиқлик, ошкоралик, демократик руҳда, сайловчиларнинг фаол иштирокида ўтказайлик





МАҲСУЛОТ — ПИШИҚ ВА СИФАТЛИ

Фарғонадаги «Евроосиё Тапо-Диск» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси уч йилдан буён фаолият юритмоқда. Жамоада дастлаб 80 нафар ишчи меҳнат қилган бўлса, эндиликда иш тўрт сменада ташкил этилиб, уларнинг сони 496 нафарга етди. Айни пайтда корхонада қирқ икки турда сифатли автомобил дисклари ишлаб чиқарилмоқда.

– Жорий йилнинг охирига келиб маҳсулот тури яна йигирматага кўпаяди, - дейди қўшма корхона раҳбари Ғуломжон Ортиқов.– Бунинг учун имконият етарли. Таъкидлаш керакки, маҳсулотларимиз сифати бўйича жаҳон талабига жавоб берадиган халқаро сертификатга эга. Корхонадаги дастгоҳлар Голландия, Италия ва Германия давлатларидан келтирилган. 16 нафар ёш мутахассис эса у ерлардан малака ошириб қайтди. Таъкидлаш керакки, корхонада ишни пухта ташкил этилгани – маҳсулотнинг пишиқ ва сифатли бўлишини таъминлаяпти.

Биргина металл хомашёси Финляндиядан келтирилмоқда. Қолган кимёвий хомашё водий шароитида маҳаллийлаштирилишига эришилди. Муҳими, маҳсулотнинг саксон фоизи Россия, Украина, Беларус ва Болтиқбўйи давлатларига экспорт қилинмоқда.

Суратларда: Фарғонадаги «Евроосиё Тапо-Диск» Ўзбекистон-Британия қўшма корхона бошқарув жойи оператори Фарҳод Рустамов иш устида; (чапдан) цех бошлиғи Ҳасан Юлдашев, ишчилар Иқбол Шамсиев, Исмоил Абдураимов ва Мирзоҳид Арабоев маҳсулотни кўздан кечирмоқдалар.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳозиргача сайлов ҳужжатларининг барча муҳим намуналари ва шаклларини, округ ва участка сайлов комиссияларининг муҳрларини, шунингдек, сайлов ўтказиш билан боғлиқ харажатлар сметасини ҳамда бошқа зарур ҳужжатларни ишлаб чиқди ва ўз мажлисларида тасдиқлади. Бундан ташқари, мамлакатимиз бўйича Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 120 округ тузилди, округ сайлов комиссияларининг таркиби тасдиқланди.

22 октябр куни Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раислари иштирокида ўтган республика семинари округ сайлов комиссияларининг фаолиятини ташкил этиш масалаларига бағишланди. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда уюштирилган ушбу анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳамда Сенатни шакллантириш юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг Ҳаракатлар дастурида кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев округ сайлов комиссияларининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунга риоя этилишини таъминлаш борасидаги вазифалари ҳақида маъруза қилди. Округ сайлов комиссиялари ҳуқуқий мавқеининг хусусияти шундан иборатки, улар округда сайлов кампаниясини бевосита ташкил этади. Шу билан бирга, тегишли ҳудудда сайловга доир қонунларнинг бажарилишини назорат қилади, уларнинг қоидалари ҳамма ерда бир хил қўлланилишини таъминлайди.

Қонунда округ сайлов комиссияларининг бир қатор ваколатлари белгиланган. Жумладан, округ сайлов комиссияси сайлов участкаларини тузади, участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Маблағларни участка сайлов комиссиялари ўртасида тақсимлайди. Участка сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ва сайлов округида сайловни моддий-техника жиҳатдан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади.

Шунингдек, округ сайлов комиссияси депутатликка номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплашга оид имзо варақаларини сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ваколатли вакилларидан қабул қилиб олади ва уларнинг тўғри тўлдирилганлигини текширади. Депутатликка номзодларга сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитни таъминлайди. Хусусан, уларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга кўмаклашади. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олади ва уларга тегишли гувоҳномалар беради.

Округ сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузилиши ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини ҳам кузатиб боради. Сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади. Такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов ўтказилишини ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, ўтган даврда мамлакатимизнинг бутун ҳудудида сайлов тўғрисидаги миллий қонунлар талабларининг бир хил, аниқ ижро этилишини таъминлаш мақсадида сайловни ташкил этишга доир масалалар юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг низом ва йўриқномалари тасдиқланди. Семинар иштирокчиларига сайлов тўғрисидаги миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари, бошқа муҳим қўлланмалар билан биргаликда тарқатилган ушбу қонуности ҳужжатлари округ сайлов комиссиялари раислари, уларнинг ўринбосарлари, комиссия котиби ва аъзоларининг сайлов тўғрисидаги қонунларга мувофиқ ўз ваколатларини амалга ошириши билан боғлиқ масъулиятли жараёнда қўл келиши тайин.

Анжуманда Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари С.Хўжаеванинг ана шу низом ва йўриқномаларнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори А.Раҳмоновнинг фуқаролик жамияти ва сайловлар, Марказий сайлов комиссияси котиби О.Соатовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ташкиллаштириш ва молиялаштириш, Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази раҳбари Ш.Қудратхўжаевнинг сайлов борасида ошкораликни таъминлаш масалалари ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари Б.Исмоиловнинг Ўзбекистон сайлов қонунчилиги хусусиятларига оид мавзулардаги маърузалари тингланди.

Дарвоқе, сайловга оид яна бир хабар. 26 октябрда Тошкент Давлат юридик институтида «Демократик сайловлар ўтказиш бўйича халқаро стандартлар ва Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтади. Бўлажак халқаро анжуман Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Ҳукуматининг БМТТД кўмаги остидаги тараққиётга ҳамкорлик кўрсатиш дастури ҳамда Япониянинг Нагоя университети билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

Ғулом МИРЗО, ЎзА мухбири

ЯНГИ МИНГЙИЛЛИКДАГИ МАҚСАДЛАРИМИЗ

Тошкентдаги Халқаро бизнес марказда Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари тақдимотига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Тадбир Бирлашган Миллатлар Ташкилоти куни арафасида унинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан уюштирилди. Бу кун ҳар йилнинг 24 октябрида бутун дунёда нишонланади. Унда республика вазирлик ва идоралари, жамоат бирлашмалари, Ўзбекистонда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар ҳамда дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

2000 йилда ўтказилган Бутунжаҳон саммитида Мингйиллик ривожланиш мақсадлари қабул қилинган эди. Ушбу ҳужжат 2015 йилгача барча давлатлар учун одамлар ҳаётини яхшилаш дастурига айланди. Дунёнинг барча мамлакатларида тегишли ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистонда 13 йилдан буён амалга ошириб келинаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсат халқ фаровонлигини ошириш, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, деди Республика Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Г.Саидова. Масалан, умумий бошланғич таълимни таъминлаш каби ривожланиш мақсади энди биз учун долзарб эмас. Бундан ташқари ҳаётнинг барча жабҳаларида эркаклар ва хотин-қизлар тенглигига риоя қилинмоқда. Шундай эса-да, ҳали ҳал этилмаган кўплаб муҳим масалалар бор. Ривожланиш мақсадларига эришиш борасида Ўзбекистоннинг давлат тузилмалари ва БМТ агентликлари вакилларидан иборат Мувофиқлаштирувчи қўмита тузилди. Аҳоли турмуш даражасини ошириш, хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, оналар ва болалар ўлимини янада камайтириш, сил касаллиги ва ОИВ/ОИТСнинг тарқалишига қарши курашни фаоллаштириш, экологик барқарорликни таъминлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон учун устувор мақсадлар сирасига киради.

Ўзбекистонда бу вазифаларни бажариш учун амалий чоралар кўрилмоқда. Масалан, ҳукуматимиз аҳолининг кам таъминланганлик даражасини 2015 йилга келиб қарийб икки бараварга қисқартириш стратегиясини ишлаб чиқди. Ёш авлодни ҳар томонлама билимли қилиб тарбиялаш учун кўплаб ишлар қилинмоқда. Бу борада Кадрлар тайёрлаш миллий дастури изчил равишда амалга оширилаётир, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури қабул қилинди.

Шунингдек, Президент фармонига мувофиқ жамиятда хотин-қизлар мақомини ошириш бўйича кўп ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республика 2015 йилга келиб, болалар ўлими кўрсаткичини учдан иккига, оналар ўлимини эса икки баробар камайтиришни ўз зиммасига олди. Сил касаллиги ва ОИВ/ОИТСнинг тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида фаол чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бунинг учун эса мақсадли давлат дастури амалга оширилаяпти.

Ўзбекистон бу йўналишларда жаҳон ҳамжамияти, кўплаб халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Иқтисодий алоқалар ривожланмоқда, мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестициялар оқими кўпаймоқда.

Учрашувда жорий йил бошидан буён БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Халқ таълими вазирлиги томонидан республика мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Мингйиллик ривожланиш мақсадлари» мавзуидаги плакатлар танлови ғолибларини мукофотлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Танловда энг яхши деб топилган 23 нафар ёш рассомга қимматли совғалар топширилди. Уларни «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилик болалар жамғармасининг ҳомийлик кенгаши раиси Л.Каримова, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Майкл Барри Лейн табриклади.

(ЎзА)

СЕВИМЛИ МАСКАН

Бухоро вилоят ўқувчилар саройининг зардўзлик тўгарагида 45 нафар ўқувчи ҳунар ўрганяпти. Инглиз тили, ёш техниклар, биоэкосан, ўлкашунослар тўгараклари ҳам доим ўқувчилар билан гавжум.

- Яқинда саройимизда «Очиқ эшиклар куни» ўтказиб, унга ота-оналар, маҳалла фуқаролар йиғини вакилларини таклиф этдик, - деди вилоят ўқувчилар саройи директори ўринбосари Гулжаҳон Козимова. - Улар ёшларнинг санъат, спорт, фан ва касб-ҳунар сирларини ўрганиши, маънавий камол топиши учун яратилган шарт-шароит билар танишдилар.

Мулоқот яхши самара берди. Ота-оналар фарзандларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш тарафдори эмасми, кўп ўтмай тўгаракларимиз янада гавжумлашиб кетди.

Бугунги кунда саройимиздаги элликдан зиёд тўгаракда икки минг нафарга яқин ўқувчи шуғулланади.

ВОДИЙДА БИРИНЧИ БЎЛИБ

Қўқонлик тадбиркор Маъмуржон Қобулов Фарғона водийсида биринчи бўлиб полипропилен қоплари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

У Европа Тикланиш ва тараққиёт банкидан 309 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиб, Хитой технологиясини харид қилди. Корхонанинг маҳсулотига талаб катта экан, буюртма кўп. Ҳозир жамоада 50 нафарга яқин хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

(ЎзА)

ТУРИЗМ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Халқаро туризм ташкилотининг Самарқанд филиали очилди. Унинг очилишида мамлакатимиздан ташқари, Россия, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Польша, Озарбойжон, Украина, Тожикистон, Козоғистон ва Қирғизистон каби мамлакатлар вакиллари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Халқаро туризм ташкилоти раҳбари ўринбосари жаноб Д.Девиле Самарқанд дунёнинг энг қадимий ва бетакрор шаҳарларидан бири эканини таъкидлади. У Буюк ипак йўлида жойлашган шаҳар сифатида бугун ҳам халқаро туризм ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бу ерда Халқаро туризм ташкилоти филиалини очишдан мақсад эса сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифат ва савиясини янада юксалтиришдан иборат.

САМАРАСИЗ КОРХОНА

бозорни тарк этиши керак

Бозор муносабатларига ва эркин тадбиркорликка ўтиш ишлаб чиқаришнинг бозорга хос бўлмаган бошқариш усул ва услубларини рад этувчи бир қанча қатъий қарашлар туғилишига олиб келди. Амалиётдаги ишларда корхона режаси ўз ўрнини башорат қилишга бўшатиб берди, юқори ташкилотларнинг ҳар хил чеклашлари бекор қилинди, корхона ўз фойдасини ўзи тақсимлайдиган, ўзига зарур даражада ишчилар штатини шакллантирадиган бўлди.

Бозор бошбошдоқлик, хўжасизлик ва талон-торожликка йўл қўймайди. Ҳаракатсизлик билан ҳамкорлик қила олмайди ёки бошқача айтганда «олма пиш оғзимга туш» деб ўтиришга йўл қўймайди. Бозорнинг асосий фалсафаси – ишлаб чиқаришда минимум харажат қилиб юқори даромад олишга эришиш ва фаол ҳаётий ўринни эгаллашдир.

Шу билан бир қаторда бозор механизми ўзининг аниқ бир анъанасига эга, яъни у узоқ муддатли ривожланиш шароитида тўла ва самарали ишламаслиги мумкин. Бозор ижтимоий характердаги жараёнларга нисбатан ҳам кўрроқдир. Шунинг учун замонавий жамият бозорни ўз-ўзини тартибга солишини ўрганишда давлат механизмига эҳтиёж сезади. Нафақат кўплаб ривожланган давлатлар, балки ўзимизнинг шахсий тажрибамиз, айниқса, ҳозирги кундаги амалиёт шундан дарак бермоқда.

Бироқ ҳаёт давомийлиги етарлича интенсив ва интилувчандир. Тараққийлашган бозор томон ҳаракатланишда давлат иқтисодиётни тўғридан-тўғри бошқаришдан иқтисодий дастак ва имкониятлар асосида билвосита тартибга солишга ўтади. Аллақачон «иқтисодиётда камроқ давлат» тамойили амал қилиб, ташаббускорлар учун тадбиркорликни ривожлантириш, ишга ижодий ёндошиш учун кенг йўл очувчи кучли фуқаролик жамияти сари ўтилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, энди олдинги даврдаги сингари давлатдан доимий ёрдам кутишга, боқимандаликларга чек қўйилмоқда.

Долзарб мавзу

Маълумотларга қараганда, Республикамизда ҳар хил тармоқларда ва турли мулкчиликка асосланган 300 минг атрофидаги корхоналар рўйхатга олинган, шулардан 270 мингтаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка асосланган корхоналар. Корхоналарнинг кўпгина қисми қишлоқ хўжалигига (43 фоиздан ортиқроқ), савдо ва умумий овқатланиш (тахминан 26 фоиз) тегишли. Саноатда 10 фоиз, қурилишда 7 фоиз атрофида ва ҳоказо. Мулкчилик шаклига кўра хусусий корхона ва фирмалар – 35 фоиз атрофида, деҳқон ва фермер хўжаликлари – 40 фоиздан ортиқроқ. Давлат мулкига асосланган корхоналар – 10 фоизни ташкил этади. Акционерлик жамиятлари ва бошқа мулк шаклидаги корхоналарнинг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

ФИЛАТЕЛИСТЛАРГА ТУҲФА

«Ўзбекистон маркаси» очиқ акциядорлик жамияти атоқли адиб Абдулла Қодирийнинг бир юз ўн ва ҳушовоз хонанда Маъмуржон Узоқовнинг юз йиллиги муносабати билан янги почта маркаларини муомалага чиқарди.

Ўзбек адабиёти ва санъатининг буюк намоёндалари сиймоси акс эттирилган бу почта маркалари бутун дунё филателистларида катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

Жиноятга жазо муқаррар

«ХОЛИС ХИЗМАТ»

Янгиер шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлими ходимлари томонидан қонунбузарликлар олдини олиш мақсадида изчиллик билан иш олиб борилмоқда.

Иқтисоди, техника базаси ночор «Сувоқава» деган корхонанинг номини эшитган янгиерликларнинг пешонаси тиришади. Боиси нимаки қилинмасин иш олдинга босмади. Аммо текшириш якунлари шуни кўрсатдики, ҳар қандай қалтираб турган корхонанинг у ер-бу ерини пайпасласа бир-икки нафсибандни қондирувчи кўр топиларкан. Корхонанинг собиқ раҳбари ҳам худди шундай қилди. Ўзининг жавобгарлигида бўлган 176 минг 712 сўмлик 7,2 тонна цементни ҳисоботда кўрсатмай ўзлаштириб кўя қолди. Ҳа, «текин»нинг биринчи луқмаси халқумдан бир ўтиб олса бўлдийкан, кейингилари эшелон вагонларидек тешик томоққа шипиллаб кириб кетаверяркан. Т.Йўлдошев томоғига ҳам 204 минг сўмлик бетон, 28 минг 789 сўмлик асфальт «лип» этиб кириб кетса денг. Бундан ташқари, у корхона балансидаги трактор прицепини ҳеч қандай асоссиз номаълум кишига бериб юборди. Катта арава қаердан юрса, кичиги ҳам шу ердан юради, дейишади. Бош ҳисобчи Г.Гудакова бошлиққа ҳавас қилибми, у билан тил бириктириб, 190 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилди.

Энди манави ҳангомани эшитинг. Янгиер шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлими ходимлари «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан текшириш ўтказдилар. Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра капитал қурилиш ташкилотлари 2003 йил 1 сентябр ҳолатига бўлган бюджет, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ва йўл фондига бўлган боқимандасини икки йилга кечиктириш, пеня ва жарималари ҳисобдан чиқарилиши имкониятига эга бўлишади. Ажабки, шаҳар статистика бўлими бошлиғи А.Абдуфатаев сувни тескари оқизолмаса ҳам биттаяримта корхонанинг тармоқ кодини 180 даражага ўзгартириб юбора оларкан. Ишонмасангиз, шаҳардаги 4-автокорхона раҳбари С.Назарқуловдан сўранг. Унинг раҳбарлигидаги автокорхонада омилкорлик билан иш юритилмаганлиги учун каттагина қарздорлик пайдо бўлди. Албатта, бу ҳар қандай корхона раҳбари учун ҳам пешонада осилиб турган томошакадидай бир гап. Уни бир амаллаб тўғриламаса бўлмайди. «Амаллаш» учун эса корхона тармоқ кодини ўзгартириш керак. Қарангки, бу мушкулот худди хамирдан қил суғургандек осон ҳал бўлди. Мутасадди раҳбар С.Назарқулов қўлига «4-АТПнинг тармоқ коди 61110» деган ҳужжатни тутқазди. С.Назарқулов уни қўлтиғига қисибгина шаҳар давлат солиқ инспекциясига олиб борди. Бу ерда ҳам «холис хизмат қилувчилар» топила қолди. ДСИнинг манфаатдор шахслари 4-АТПнинг 33 миллион 446,1 минг сўмлик боқиманда қарзи икки йилга кечиктирилди, 16 миллион 781,1 минг сўмлик жаримаси тўлиқ ҳисобдан чиқарилди, деган хулосага келишди.

Бу ўринда бир нарса кишини ҳайрон қолдиради. Шаҳар статистика бўлими ва давлат солиқ инспекцияси мансабдор шахслари юқорида тилга олиб ўтилган ҳукумат қарорида битилган корхона қурилиш-монтаж ишлари билан шуғулланғон бўлса ҳам асосий фаолият тури капитал қурилиш билан боғлиқ бўлмаса, имтиёзлар унга нисбатан жорий қилинмаслигидан бехабармидилар? Бордию, бу саволга «ҳа» деб жавоб берсак, «Унда бу икки мансабдор шахс жуда кенг қамровли иқтисодий ислоҳотларнинг боришига, одамларнинг турмуш фаровонлигига дахлдор идораларда нима қилиб ўтиришибди» деган иккинчи савол кўндаланг бўлади.

Янгиерда «Ягона буюртмачи хизмати» деган корхона бор. Бу ерда ўтказилган текширув натижасида маълум бўлдики, корхона раҳбари А.Тошматов анчайин металл қувурларни чиқим қилмай «қорасини ўчириб» юборган. Янгиерликлар электр лампаларнинг кўчаларни тунда ёритиб туришини жуда орзу қилишади. А.Тошматов эса худди шундай лампалардан талайгинасини гумдон қилибди. Биргина у 1 миллион 16 минг 140 сўмлик камомадга йўл қўйибди.

«Янг-трейд» корхонаси раҳбари Т.Тугалов Тошкент шаҳридаги «Корфармсаноат» қўшма корхонаси билан шартнома тузиб, 31 миллион 320 минг сўмлик доридармон олиб келиб беморлар савобини олмоқчи бўлди. Аммо унинг бемор бошини силашга узалган қўллари бошқа ёққа чўзилган экан. Салкам 30 миллион сўмлик дори-дармонни ўзи раҳбарлик қилаётган корхонага кирим қилмасдан, шу куниёқ Каттақўрғондаги «Наврўза-ТС» хусусий фирмасига 5 миллион 999 минг 996 сўм устама нарх билан бериб юборди. Бу билан у 2 миллион 967 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламай, давлат бюджетига катта миқдорда зарар келтирди.

Халқимизда кўза кунда эмас, кунида синади, деган мақол бор. Бу ҳикматни унутган кимсалар охир-оқибат тўрга илиниб, қилмишларига яраша жазоларини оладилар. Зеро, жиноятга жазо муқаррар.

Сафар ХОЛБОЕВ

Бир Фармон шарофати

КЕЛАЖАК УЧУН БАРЧА МАСЪУЛ

Баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат даражасига кўтарилди. Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш, мақсадли дастурни молиявий таъминлашни ташкил этиш, репродуктив саломатликни яхшилаш бўйича Оролбўйи туман ва шаҳарларида ҳам ибратли ишлар амалга оширилаяпти.

«Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Қонун, Президентимизнинг «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари талаблари асосида Қорақалпоғистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш дастури ишлаб чиқилди.

Юртбошимиз кўрсатиб ўтганларидек, соғлом авлод деганда, энг аввало соғлом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маданияти юксак, мард ва жасур ватанпарвар авлодни тушунамиз. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади.

Оналар ва болалар саломатлигининг муҳофазаси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланган. «Соғлом авлод учун» жамғармаси Қорақалпоғистон филиали дастурда белгиланган тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириб бораяпти. Аввало, бир ёшгача, 1 ёшдан 5 ёшгача бўлган болалар тиббий патронажи тизимини кучайтириб, улар ўртасида касалланиш ва ўлимни камайтириш, даволаш-профилактика ишлари самарадорлигига эътибор оширилган.

Тиббиёт ходимларидан тузилган гуруҳ аъзолари Кегейли, Хўжайли, Нукус, Тахтакўпир, Чимбой, Беруний, Қўнғирот, Амударё ва Мўйноқ туманларида бўлиб, 22 мингдан ортиқ болаларни тиббий кўрикдан ўтказдилар. Педиатр врачлар ҳар бир ота-она билан яккама-якка мулоқот ўтказиб болани парвариш қилиш, тўғри овқатлантириш, хасталикларнинг олдини олиш соҳасида маслаҳатлашдилар. Жамғарма томонидан чоп этилган «Фарзанд кўриш бахти», «Келин-куёвларга маслаҳатлар», «Оила маданияти», «Йод тақчиллигининг олдини олиш», «Ёш оналарга маслаҳат» буклетлари тарқатилди.

Акушер-гинекологлар кўрикдан ўтказилган аёллар билан контрацептик воситаларнинг аҳамияти хусусида суҳбатлашдилар. Беш мингдан ортиқ оналарга контрацепциянинг замонавий усуллари қўлланилди.

Нукус шаҳри мактабларида «Саломатлик институти» филиали ходимлари билан биргаликда «Турмуш қуришга шошилманг, қизлар», технология, гидромелиорация, тиббиёт коллежлари талабалари ҳузурида «Қизларнинг эрта ва қариндошлар билан никоҳга киришининг оқибати», «СПИД ва наркомания касалларининг олдини олиш» мавзусида мусоҳабалар, семинар-кенгашлар уюштирилди.

«Маҳалла», «Экосан», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Маънавият ва маърифат» маркази ходимлари «Орол болалари» оромгоҳи, Меҳрибонлик уйи, мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, Тўрткўл туманидаги «Шўрахон», Я.Эламонов номли ширкат хўжаликлари аҳолиси билан учрашдилар. Туғиш ёшидаги оналар ва балоғатга етган қизларда «Ўсмирлик даври ҳақида», Беруний туманида уюштирилган «Экстрагенитал касалликлари ва ҳомиладорлик», «Болани она сути билан эмизишнинг аҳамияти», «Бир чимдим туз» мавзусидаги чиқишлар кишиларда катта таассурот қолдирди.

Аҳоли, маҳалла ва овул ёшлари орасида соғлом авлодни тарбиялашни тарғиб қилиш бўйича «Ҳаёт соғлом болалар билан гулгун», «Соғлом авлод келажак ишончи», «Она ва бола – гул билан лола» мавзуларида учрашувлар ташкил этилди.Чимбой ва Тахтакўпир туманларида 5 мингдан ортиқ туғиш ёшидаги аёллар, 4 минг нафар бола тиббий кўрикдан ўтказилиб, касал деб топилганларига стационар ва шифохона шароитида даволаниш учун йўлланмалар берилди, 3 минг кишига бепул дори-дармонлар тарқатилди. «Шоирлар элати» маҳалласида «Эр-хотиннинг оиладаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари» хусусидаги суҳбат қизиқарли савол-жавоблар асосида ўтди.

«Соғлом оила» кўрик-танловини ўтказиш одат тусига кирган. Кегейли туманидаги Ю.Алланиёзов оиласи бир неча бор танловда ғолибликни эгаллади. «Ер куррасида тинчлик», «Ранг-баранг бўёқлар оламида» каби расмлар танлови, «Ватанни куйлайман», «Обод маҳалла болалар наздида» мавзусидаги ёш истеъдодлар мусобақалари айниқса, самарали бўлди. «Соғлом оила» спорт мусобақаларида ғолибликни эгаллаганларга совринлар топширилди.

Меҳрибонлик уйлари ва ихтисослаштирилган болалар муассасаларига доимий равишда хайрия ёрдамлари кўрсатиб келинаяпти. Хўжайли шаҳридаги Меҳрибонлик, Тахиатошдаги «Чақалоқлар уйи»га, Амударё ва Қўнғирот туманларидаги 50 та кам таъминланган оилага моддий ёрдам берилди. Мўйноқ туманидаги «Қоражар» овул врачлик пункти, қон қуйиш станцияси, 10 сонли мактаб-интернат, 9-махсус болалар боғчасига хорижий жамғармалар томонидан олинган дори-дармон ва тиббий жиҳозлар тақдим этилди.

«Ногиронлар», «Қизил Ярим Ой» жамияти, «Болалар» жамғармалари билан ҳамкорликда Нукус шаҳрининг «Элита» кафесида ногиронлар учун ош дамланиб, 100 нафарига совға-саломлар топширилди. Тўшакда ётиб қолган 10 нафар ногиронга 120 минг сўмлик дори-дармонлар тарқатилди. ЮНИСЕФ ташкилоти билан ҳамкорликда Элликқалъа ва Нукус туманларидаги иккита болалар боғчалари «Оилавий таълим дастури» синаб кўриладиган тажриба майдонига айлантирилди. Нукус туманидаги «Бахтли» болалар боғчаси мудираси Жумагул Қўсимбетованинг таъкидлашича, айни пайтда «ЮНИСЕФ»нинг мамлакатимиздаги вакиллари Д.Шарипова ва М.Усмонова мактабгача таълим муассасасида семинар-машғулотлар олиб боришаяпти.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси Қўнғирот туман бўлими раҳбари, болалар шифокори Ширин Ешмуродова ташаббуси айниқса, ибратли. Қорақалпоғистон ҳудудий темирйўли, Устюрт қидирув бурғулаш бошқармаси, марказий шифохона меҳнат жамоалари 30 дан ортиқ ногирон болаларни ҳомийликка олган. Яқинда уларга кийим-кечаклар олиб берилди.

Ўсмирлар, ёшлар ва ота-оналар учун репродуктив саломатлик, соғлом оилани шакллантириш ва соғлом ҳаёт кечириш масалалари бўйича рисолалар, савол-жавоб тўпламлари ва бошқа ахборот материаллари кенг тарқатилаяпти. Жаҳон банкининг «Саломатлик» лойиҳаси бўйича 800 минг АҚШ доллари миқдорида дори-дармонлар, тиббий жиҳозлар, санитар машиналари харид қилиниб, жойларга тарқатилди. Жамғарма ва унинг шаҳар, туманлардаги бўлимлари ёш авлоднинг жисмонан ва маънан соғлом бўлиб вояга етиши, оила, оналик ва болаликни мустаҳкамлаш учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланаяпти.

Орзибика ЖОНИБЕКОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси

Ҳисобот-сайловлар: таҳлил ва сабоқ

ТАКЛИФЛАР ИНОБАТГА ОЛИНДИ

Бугунги кунда касаба уюшмаларида бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайловларда ўтган беш йилдаги фаолият чуқур таҳлил этилмоқда. Уларда ҳисобот даврида барча кўзланган мақсадга эришилдими, деган саволга жавоб изланяпти. Босиб ўтилган йўлга танқидий назар ташлаб, келгусида амалга ошириладиган муҳим вазифалар аниқ белгилаб олинаётганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тошкент фармацевтика институти бирлашган касаба уюшма ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишида юқоридаги саволларга жавоб изланди. Мазкур йиғилишда касаба уюшма қўмитаси раиси Адҳам Комилов беш йил давомида амалга оширилган ишларнинг ҳисоботини берди. Институт маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномасига биноан профессор-ўқитувчиларни, талабаларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, соғломлаштириш, маданий-маърифий тарбиялаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Бунда 11 кишидан иборат қўмита аъзоларининг хизматлари катта бўлди.

Институтда ўқитувчи ва талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, 2000 йил бу рақам 1 миллион 56 минг сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йилга келиб 20 миллион сўмдан ошиб кетди. Соғломлаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда институтнинг «Чимён» дам олиш зонаси таъмирдан чиқарилиб, обод-донлаштирилди. Эндиликда ушбу сўлим масканда бир йўла 100 нафар талаба ҳамда 40-50 нафар профессор ҳамда ўқитувчиларнинг оила аъзолари ҳордиқ чиқариши мумкин. Уларни дам олиш жойларига бориб келишлари учун махсус автобуслар ташкил этиляпти.

Зарарли иш шароитида ишловчиларни сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш ҳам касабақўмнинг доимий диққат марказида бўлди. Жорий йилдаги мақсадга 5 миллион 520 минг сўм сарфланди.

Мамлакатимиз мустақиллиги, Янги йил, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, Наврўз, Хотира ва қадрлаш куни каби байрамлар тўкин дастурхон атофида ўтказилмоқда. Шу билан бирга узоқ йиллар институтда ишлаб нафақага чиққан меҳнат фахрийларига совғалар улашилаётир.

Талаба ҳамда ходимларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида йил давомида кам таъминланган, ёрдамга муҳтожларга маъмурият томонидан ойлик маошлари, ойлик стипендия миқдорида моддий ёрдам кўрсатиляпти.

Йиғилиш қатнашчилари ҳисобот қўмита раиси маърузасини катта қизиқиш билан тингладилар. Музокараларда иштирок этганлар касаба уюшма ташкилоти ишини янада жонлантириш, талаба ҳамда ўқитувчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашни яхшилаш борасидаги ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишидаги музокарада сўзга чиққанларнинг таклифлари инобатга олиниб, бошланғич касаба уюшма қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштиришга келишиб олинди.

Н. РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири

КАСАБАҚЎМ ИШОНЧНИ ОҚЛАМАДИ

Вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитасига 6 та бошланғич, 24 та цех касаба уюшма қўмиталари бирлашган бўлиб, улар таркибида 1102 нафар аъзо бор.

Бу галги ҳисобот-сайловлар ошкоралик, демократия, муқобиллик сингари муҳим тамойиллар асосида ўтди. Бир ўринга 2-3 номзодларнинг муқобиллик асосида қўйилганлиги касаба уюшма аъзоларининг ўзларига энг муносибларини танлаш имконини берди.

Масалан, цех касаба уюшма қўмиталари раисларининг таркибини кузатадиган бўлсак, 10 нафари хотин-қизлар, 18 нафари ишчилар, 3 нафари олий маълумотли, 6 нафари 30 ёшгача бўлганлар ташкил қилади. Биринчи бор сайланганлар 8 нафардан иборат.

«Жиззахтелеком», «УзИЖиззах», «Жиззах почтаси» каби йирик корхоналар касаба уюшмаларида ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтди. «Ўздунробита» қўшма корхонаси, «Алоқаинвест» , «Матбуот тарқатувчи» ташкилотларида эса ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилди.

Бугунги кунда ташкилотларда 6 та жамоа шартномалари амал қилмоқда. Шундан 5 тасида кўрсатилган бандлар тўлиғича бажарилгани қувонарли, албатта. Лекин «Жиззах почтаси» ҳиссадорлик жамияти билан тузилган жамоа шартномасида кўрсатилган 88 банддан 82 таси бажарилди, холос.

Кези келганда мазкур корхона ҳақида бироз тўхталсак. Бугунги кунда жамоада 468 нафар киши меҳнат қилмоқда. Уларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш жамоа шартномасида тўлалигича акс этган. Унинг 8.1 пунктида ҳар бир ходимнинг ўртача ойлик маоши мамлакатимизда белгиланган энг кам иш ҳақининг 6 баробаридан кам бўлмаслиги таъкидланган бўлса-да, амалда бу кўрсаткич 4,8 баробарни ташкил этмоқда.

Шунингдек, жамоа шартномасида акс этган узоқ йиллар меҳнат қилган ходимга устама ҳақ тўлаш, ишламаётган нафақахўрларга энг кам иш ҳақининг тўрт баробаридан кам бўлмаган миқдорда моддий ёрдам бериб бориш, болаларни соғломлаштириш бўйича оромгоҳларга имтиёзли йўлланмалар ажратиш тўғрисидаги бандлар ҳам бажарилмасдан қолиб кетди.

Меҳнат муҳофазаси, иш жойларининг шароитини яхшилаш мақсадига 1 миллион 300 минг сўм маблағ ажратилиши зарур эди. Амалда 8 миллион 300 минг сўм ажратилган бўлса-да, бу маблағ мақсадсиз – вилоят алоқа уйи биносининг сиртқи кўринишини бўяш ва бино пардоз-андозига сарфлаб юборилди. Бунда бошланғич касаба уюшма қўмитаси назоратсизлик ва келишувчанликка йўл қўйди. Ходимларнинг меҳнат шароити эса ўзгаришсиз, қолаверди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида бу каби ножўя ишлар ўз баҳосини олди. Касабақўм раиси Шодиёр Мамарасулов қайта сайланмади. Унинг ўрнига изланувчан, талабчан ва ғайратли Нигора Қосимова кўпчилик овози билан касабақўм раислигига сайланди.

Нина МАМАДАЛИЕВА,
Жиззах вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Касаба уюшмалари ва йиғим-терим

Сирдарё вилоят касаба уюшма тармоқ қўмиталари пахтакорлар ва ҳашарчиларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар меҳнатини рағбатлантириш мақсадида бир катор тадбирларни амалга оширишмоқда.

ТАЛАБА 80 МИНГ СЎМ ПУЛ ИШЛАБ ОЛДИ

«Қолайбек» фермер хўжалиги Оқ олтин тумани адоғида жойлашган. Хўжалик аъзолари 29 гектар майдонга пахта экишган. Самарали меҳнат маҳсули бугун далаларда ўз аксини бераяпти. Албатта, мўл ҳосилни саранжомлаш, қабул пунктига ўз фурсатида етказишда ҳашарчиларнинг кўмаги катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам қишлоғу қўрғонлардан анча олис пайкаллар бугун гавжум. Бу ерда Гулистон Давлат университети талабалари пахтакорларга мададкор бўлишяпти. Гуруҳ раҳбари Абдумалик Эшниёзовнинг эътироф этишича, талабалар тиклаган хирмон шу чоққача 300 тоннадан ошиб кетди. Университет маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти ҳар ўн кунда бир тоннадан ошиқ пахта терган талабани ўн минг, ғолиб бригадани 20 минг, биринчи ўринни эгаллаган факултетни 50 минг сўм миқдоридаги мукофот билан рағбатлантириб келаётган экан.

Шу куни касаба уюшма вакиллари ҳашарчи талабалар билан учрашишди. Уларга яратилган шароит билан яқиндан танишдилар. Кунлик теримда 100-140 килограмм пахта тераётган ҳашарчиларга таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитасининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

— Қисқа, аммо масъулиятли мавсумда биз ҳам четда туролмадик, - дейди физика-математика факултети талабаси Янглиш Худоёрова. — Белга этак тутиб, пахтакор оғаларимизга кўмакчи бўлаяпмиз. Ўзим ҳар куни юз килограммдан ошириб пахта тераяпман. Меҳнат қилиб топган маблағим 80 минг сўмдан ошди.

«Тўқмоқ ота» фермер хўжалигида машина терими қизғин кетаётгани устидан чиқдик. Хўжалик раҳбари Ғулом Фозилов ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил йиғиштириб олинганини мамнуният билан сўзлайди. Эътиборли жиҳати, хўжалик аъзолари пахтани машинабоп қилиб ўстиришга астойдил интилган. Мана икки йилдирки, қўл теримидан воз кечиб бутун умидни техникага боғлаганлар. Хирмонга пахта тўкаётган «пўлат от» суворийси Аскар Болқиевни суҳбатга тортдик.

— Бир кунда 20 тоннага яқин пахта теряпман, - дейди у. — Ялпи хирмоним 130 тоннани қоралади. Ўз агрегатимни унумли ишлатиб, 500 тонна пахта термоқчиман.

Механизаторларга унумли ишлашлари учун барча шарт-шароит яратилган. Икки маҳал бепул иссиқ овқат ва нонушта ташкил этилган. Илғорлар ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланяпти. Бу ерда агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси томонидан келтирилган совға-саломлар ўз эгаларига етказилди.

Ҳашар элга ярашар, деганларидек, Усмон Носир номли деҳқон фермер хўжаликлари бирлашмасига 150 нафар фарғоналик кўнгилли ҳашарчилар пахта тергани келишган экан. Хўжалик аҳли ҳам меҳмоннавозлик кўрсатиб, уларга кенг имкон яратишган. Фермерлар бепул иссиқ овқатни ўз зиммаларига олишган. Ҳашарчилар орасида Озода Мамажонова, Нигора Ҳамдамовалар тўплаётган хирмон кишида ҳайрат уйғотмасдан қолмайди. Бу илғорлар 130-150 килограмм пахта теришга эришаяпти. Улар ҳам касаба уюшма мукофотига сазовор бўлишди.

— Вилоятимиз далаларида бугун минглаб тиббиёт ходимлари ва соҳада таҳсил олаётган талабалар ҳам деҳқон кўмакчисига айланишган, дея суҳбатга якун ясади соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг вилоятдаги вакили Раъно Абдуалимова. — Уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаяпмиз.

Меҳнатни қадрлаш азалий анъана. Эътиборли жиҳати, касаба уюшма ташкилотлари бугун ўз иш ўринларини далага кўчириб пахтакорга камарбаста бўлишаяпти. Чунки миллий бойлигимиз — пахтани саранжомлаш деҳқоннинг ҳам, ҳашарчининг ҳам эзгу мақсадига айланган.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири





Фарғона тумани машина-трактор парки акциядорлик жамияти йил сайин иқтисодий имконияти яхшиланиб бораётган корхоналардан бири ҳисобланади. Жорий йилда 100 та фермер ва ширкат хўжаликлари билан шартномалар имзоланган бўлиб, уларга намунали хизмат кўрсатиб келинмоқда. Бу ерда акциядорларнинг моддий манфаатдорлиги кун сайин ошиб бормоқда.

Суратларда: илғор ишчилар Қ.Хайитбоев ва Н.Боймирзаевлар.
И.ҲАСАНОВ олган суратлар



Шаҳрисабз туманидаги «Ҳазара» ширкат хўжалиги ижарачиси Абдуҳолиқ Қудратов оила аъзолари билан ўн тонна узум етказиб берди. Миришкор эл дастурхонини сархил мевалар билан тўлдириш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

Суратда: ижарачи А.Қудратов.
С.ШАВКАТОВ олган сурат

Ўз уйингни ўзинг асра!

Халқимиз мустақилликни мустаҳкамлаш, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қилмоқда. Мамлакатимизда демократия, ҳуқуқий давлат қарор топиб, миллий қадриятларимиз ривожланаяпти.

ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИ

Лекин орамизда тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етмайдиган, динни ниқоб қилиб олган, аслида ҳақиқий исломий қадриятларга хилоф иш тутаётган ақидапарастлар, диний экстремист ва террорчилар ҳам йўқ эмас.

Қашқадарё вилояти ҳуқуқ-тартибот идоралари фуқаролар йиғинлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ана шундай жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, ҳушёрликни таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишларни амалга ошираяптилар.

– Мамлакатимиз тинчлигини, аёллар ва болаларимиз, кексаларимизнинг осойишта ҳаётини сақлашни ўзининг муқаддас бурчи деб биладиган ҳар бир фуқаро ёвуз кучларга қарши курашда якдил бўлмоғи керак, – дейди биз билан суҳбатда «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Январ Иноятов. – Бир сўз билан айтганда, «Ўз уйингни ўзинг асра» деган даъватни ҳар бир киши қалбига жо қилиши лозим.

Вилоят ҳокими бошчилигида ички ишлар бўлими, суд, прокуратура, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари, жамғармалар вакилларидан иборат фаоллар воҳадаги 500 дан ортиқ маҳаллаларда бўлиб, аҳоли билан учрашдилар, Мулоқотларда терроризм, ақидапарастлик ва диний экстремизмнинг зарарли оқибатлари ҳақида сўз юритилди. Хусусан, Қарши шаҳридаги Гулшан, Чақар, Рогузар, Кунчиқар, Шаҳрисабздаги Кулоллик, Номозгоҳ, Тепарлик, Хўжамурод бахши, Косондаги Нартичуқур, Месит, Муборакдаги Ёшлик, Нишондаги Улуғбек каби маҳаллаларда уюштирилган давра суҳбатлари ёшларда катта таассурот қолдирди.

Касаба уюшмалари, «Маънавият ва маърифат» вилоят кенгашлари, «Нуроний», «Маҳалла», «Наврўз» жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари вилоят бўлими фахрийларини, барча меҳнат жамоалари раҳбарлари ва аъзолари, зиёлилар, ўқитувчилар ва мураббийлар, дин вакиллари, ота-оналар ва хотин-қизларни диний экстремизм ва террорчиликнинг ғаразли, қабиҳ ниятини фош қилишга чорладилар. Жамоат ташкилотларининг воҳа аҳолисида мурожаати меҳнат жамоаларида зўр қизиқиш билан ўрганилиб, қўллаб-қувватланмоқда.

Халққа диний экстремизм, ақидапарастлик, унинг ортидан келаётган бало-қазолар ҳақида тўлиқ тушунча берилмоқда. Корхона, муассаса, таълим-тарбия даргоҳлари, фуқаролар йиғинларида маҳалла фаоллари, оқсоқоллар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари билан биргаликда қизиқарли суҳбатлар, видеокўрсатувлар уюштирилаяпти, ошкора мулоқотлар ўтказилаяпти.

– Одамларга иймон-эътиқод, меҳр-мурувват, сахийлиқ каби чинсоний фазилатларни сингдиришда дин вакиллари ҳам фаоллик кўрсатишаяпти, – дея суҳбатни давом эттиради Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг воҳадаги вакили, вилоят бош имом хатиби Исмоил ҳожи Райҳонов. – Мавжуд 169 та жомеъ масжидларида ишлаётган имом хатибларнинг аксарияти етук, маълумотли мутахассислар бўлиб, улар фуқароларга ислом дини, урф-одатларимиз ва миллий қадриятларимизни батафсил тушунтирмоқдалар, аҳолининг қизиқтирган саволларига муфассал жавоб беришаяпти.

Ушбу жараёнда экстремизм, диний ақидапарастлик ва «Ҳизбут-таҳрир» оқими таъсирига тушиб қолган фуқаролар Юртбошимизнинг бағрикенглиги, одиллиги ва инсонпарварлиги туфайли авф этилиб, ҳаётда тўғри йўлга тушиб олишаяпти. Айни пайтда улар тинч меҳнат билан машғул.

Яқинда вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг бошлиғи Н.Ҳакимов, «Маҳалла» жамғармаси бошқарувининг раиси А.Сафаров, меҳнат фахрийларидан Қ.Эгамбердиев, И.Жалилов, Б.Элбоев, Ш.Бозоров, «Маънавият ва маърифат» марказининг масъул котиби М.Ражабовлар Қарши шаҳрининг Чармгар, Кунчиқар, Қарликбоғот, Эскианҳор, Хонтепа маҳаллаларида бўлиб, «Огоҳлик ва ҳушёрлик – давр талаби» мавзусида ёшлар билан суҳбат ўтказдилар.

Тарихдан маълумки, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик доимо ёнма-ён бўлиб, оқибатда ҳамиша покиза туйғулар ғалаба қилиб келган. Шунинг учун иймони суст, иродасиз кишилар эл қарғишига учраб юзлари қора бўлишини, халқдан ажралиб қолишларини унутмасликлари керак.

Огоҳлик, ҳушёрлик, ўзини ва ўзгаларнинг ҳаётини асраш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, ёшларнинг дунёқарашини шакллантириш бугунги кунда долзарб вазифага айланган.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Саволларингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: Яқинда пенсияга чиқдим. Пенсиямни 50 фоиз олган ҳолда ишимни давом эттириб келмоқдаман. Бироқ иш берувчи «Энди ўз розилигингиз билан ариза ёзиб ишдан бўшанг», демоқда. Шу тўғрими?

С.ХОЛМУРОДОВ, Дўстлик тумани

ЖАВОБ: Ўзбекистон Олий Кенгашининг Сессиясида 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган ва ўша кундан эътиборан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасига асосан ҳар бир фуқаро меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Конституциянинг 43-моддасига мувофиқ Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлайди.

МКнинг 77-моддасида кўрсатилганидек, ўн олти ёшга тўлган ҳар бир шахс меҳнат қилиш ҳуқуқига эга. Ўн беш ёшга тўлган шахслар эса, ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин. Лекин қонунчиликда фуқароларнинг меҳнат қилиши масаласида уларнинг ёши чекланган эмас.

Агар муассасанинг раҳбари ёшга доир пенсияга чиққан ходимларни вазифасидан озод қилиш мумкин деган хулосага келган бўлса, бу унинг Конституция талабларидан ва амалдаги қонунчиликдан бехабар эканлигини билдиради. Ҳолбуки, биз ҳуқуқий давлат қурмоқдамиз.

1993 йилнинг июл ойигача Ўзбекистон Республикаси Меҳнат тўғрисидаги қонунлар Кодексининг 41-моддаси 1-1 бандида ходим пенсия ёшига етиб, қарилик пенсиясини тўлиқ олиш ҳуқуқига эга бўлган тақдирда иш берувчининг ташаббуси билан уни ишдан бўшатиш учун умумий асос сифатида белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитасининг 1993 йил 30 июндаги хулосасига мувофиқ Меҳнат тўғрисидаги қонунлар Кодексининг 41-моддаси 1-1 банди Ўзбекистон Конституциясига мос келмаслиги ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқларига зид эканлиги эътироф этилди. Меҳнат тўғрисидаги қонунлар Кодексининг 41-моддасида 1-1 банди Конституциявий назорат қўмитасининг хулосасига мувофиқ ўз кучини йўқотди.

1996 йилнинг 1 апрелидан бошлаб амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг МКда ходим ёшга доир пенсия олиш муносабати билан вазифасидан озод қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳеч қандай модда йўқ.

МКнинг 107-моддасида меҳнат шартномасини бекор қилишни расмийлаштиришнинг тартиб ва талаблари кўрсатиб ўтилган. Унга кўра иш берувчининг буйруғида меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари, тегишли қонуннинг модда ва бандлари кўрсатилиши ёки меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асосларини назарда тутувчи бошқа меъёрий ҳужжатлар таърифига тўла мувофиқ ҳолда ёзилиши зарур. Шундай экан, агар ходим ёшга доир тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиши муносабати билан иш берувчи у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қиладиган бўлса, буйруқда Кодекснинг модда ва бандларини кўрсатишнинг имкони бўлмайди.

Хулоса қиладиган бўлсак, юқорида кўрсатиб ўтилган асосларга мувофиқ ходимни ёшга доир пенсияга чиқиши муносабати билан, уни вазифасидан озод қилиш ноқонуний ҳисобланади. Шу асосда ишдан бўшатилган ходим меҳнат низоларини кўрувчи органларга ариза билан мурожаат қилса, унга мажбуран бекор юрган барча вақти учун ўртача ҳақ тўлаш шарти билан ўз вазифасига тикланади. Бу тўланган ҳақ суднинг ҳал қилув қарори билан айбдор бўлган мансабдор шахсдан ундирилиши мумкин. Ходимнинг меҳнат дафтарчасига у ўз вазифасига тикланганлиги тўғрисидаги ёзув киритилади.

САВОЛ: Қандай ходимларга ва қайси лавозимларда ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлиқ миқдорда тўланади? Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

К. РУСТАМОВ, Шофиркон тумани.

«ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги Фармонига мувофиқ 1996 йилнинг 1 январидан ишлаётган пенсионерларга тўлиқ миқдорда пенсия тўланади: II жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига, уларга тенглаштирилганларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига, Чернобил ҳалокатидан жароҳат олган шахсларга.

Қонунчиликда кўрсатиб ўтилганлардан ташқари яна айрим ходимларга ҳам пенсияларини тўлиқ олиш ҳуқуқи берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йилнинг 17 мартида «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига биноан 1999 йилнинг 1 июлидан бошлаб ёшга доир пенсияга чиққан қуйидаги аёллар: ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернатлари, Меҳрибонлик уйлари тарбиячилари, шунингдек, кутубхоначилар ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан мазкур кўрсатиб ўтилган мутахассисликлар бўйича камида ўн йил стажга эга бўлганлар пенсияларини юз фоиз олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Кўрсатиб ўтилган мутахассислар қуйидаги лавозимларда ишлаганда пенсияни тўлиқ миқдорда олишлари мумкин. Бу Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот, Меҳнат ва Молия вазирликлари томонидан 1999 йил 31 майда тасдиқланган «Ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ишлаётган аёлларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш тартиби» қуйидагича белгиланган:

- ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари (корхоналарнинг бўйсунишидан қатъий назар);
- тиббий регистраторлар, дезинфектор;
- барча турдаги тиббий, ҳамширалар, Меҳрибонлик уйлари тиббий, ҳамшираси, фельдшер, доя (акушерка), лаборант, рентгено-лаборант, инструктор, тиббий статист, тиш техники, тиббий-ижтимоий ходим;
- операцион тиббий ҳамшира, тиббий ҳамшира - анестезист, туғруқ уйи (бўлими)нинг дояси;
- санитар-шифокор, эпидемиолог-шифокор, паразитолог-шифокорларнинг ва энтомологларнинг ёрдамчилари;
- катта тиббий ҳамшира, фельдшер, доя, ФАПнинг фельдшер ва дояси, тез ёрдам подстанциясининг фельдшери;
- ҳамшира иши мутахассиси;
- санитарка, энага, энагаларини яратиш, қайсики, халқ хўжалигига ёш меҳнат ресурсларини жалб қиладиган ва ўзига қаратадиган сиёсат талаб қилинади. Иқтисодиётнинг барча жабҳаларини, шу билан бирга корхоналар миқёсида ҳам яхшилаш истиқболи шунда.

Корхона иқтисодиётини яхшилаш учун, албатта, чет эллик ҳамкорлар ва инвесторлар билан алоқада бўлиш лозим. Маълумки, чет эл инвесторларини нафақат табиий ресурслар, балки мамлакатимиздаги нисбатан арзон ишчи кучларидан фойдаланган ҳолда меҳнат сиғимига эга бўлган ишлаб чиқаришни жойлаштириш имкониятлари ҳам қизиқтиради ва ўзига жалб қилади. Таҳлилларнинг кўрсатишича, Европада бундай имкониятларга эга бўлган мамлакатлар сони оз қолмоқда. Шу сабабли уларнинг эътибор маркази собиқ иттифоқ республикаларига қаратилган. Мантиқан бу ёмон эмас ва бу эса ўз навбатида давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига олиб келади.

Аммо бир нарсани ҳамиша ёдда тутишимиз даркор. Бизни безовта қиладиган тузилмавий ўзгаришлар, кўп капитал талаб қиладиган, лекин даромад бермайдиган, аммо республикамизнинг соҳа ва ишлаб чиқариши ҳаётийлиги учун ўта зарур бўладиган ривожланиш истиқболлари муаммолари бўйича чет эллик инвесторлар унча қайғурмайдилар. Шу сабабли биз асосий бўлган тармоқларни ривожлантириш, иқтисодий мустақилликни таъминлаш учун ички инвестициялаш манбаларимизни излаб топишимиз лозим. Бу биринчи навбатда муваффақиятли фаолият юритиш орқали ўз иқтисодий барқарорлигини таъминлайдиган, шу билан бирга миллий иқтисодиётнинг самарали шаклланишига олиб келадиган корхоналарга боғлиқ.

Эркин МАҲМУДОВ, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети профессори, Равшанбек НАЖИМАДИНОВ, ассистент

санитарка, овқатлантирувчи;
- беморларга қаровчи кичик тиббий ҳамшира;
- хўжалик бекаси, бошқа ўрта ва кичик тиббий ходимлар;

Провизор:
- барча турдаги муассасалар (корхоналар) провизорлари;

Меҳрибонлик уйлари ва ногирон болалар интернатлари:
- кўрсатилган уйлардаги ҳамда гўдаклар уйларидаги катта тарбиячилар ва тарбиячилар;

Кутубхоначи:
- бош кутубхоначи, етакчи кутубхоначи, кутубхоначи, бош библиограф, библиограф.

Кўрсатилган мутахассисликлар бўйича талаб қилинган иш стажининг давомийлиги кўрсатиб ўтилган барча лавозимлардаги иш даврлари ҳисобга олиб аниқланади.

Бунда, аёл пенсияга чиқиш олдидан Фармонда кўрсатилган лавозимларда 10 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлса ва пенсияга чиққандан кейин ҳам Фармонда назарда тутилган мутахассисликлардан бири бўйича ишни давом эттираётган бўлса, унга пенсия тўлиқ миқдорда берилади. Агар аёл пенсияга чиқиш олдидан Фармонда кўрсатилган лавозимларда 10 йиллик иш стажига эга бўлиб туриб, Фармонда кўрсатилмаган лавозимда ишласа, унга пенсиянинг 50 фоизи миқдорида берилади.

САВОЛ: Ҳомиладорлик ва туғиш таътилига бериладиган ҳақ қай тарзда ҳисоблаб чиқилади?

Д. СУЛТОНОВА, Қамаши тумани.

ЖАВОБ: МКнинг 233-моддасига мувофиқ аёлларга туққунга қадар етмиш календар кун ва туққанларидан кейин эллиқ олти календар кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда - етмиш календар кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили жамланган ҳолда ҳисобланади ва туғишга қадар амалда бундай таътилнинг неча кунидан фойдаланганидан қатъий назар аёлга тўлиқ берилади.

Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ҳомиладорлик ва туғиш таътилининг бутун давомида тўлиқ иш ҳақи миқдорида тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 1 апрелидаги 21-сон буйруғи билан тасдиқланган ва 2002 йилнинг 8 майида 1136-сон билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом»га мувофиқ берилади.

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани тайинлаш ва тўлаш учун Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Адлия вазирлигида 2000 йил 19 январда 873-сон билан рўйхатдан ўтган «Меҳнатга лаёқатсизлик (касаллик варақаси) ва маълумотнома бериш тўғрисида «йўриқнома»да белгиланган тартибда берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асос бўлади. Ушбу йўриқномага асосан меҳнатга лаёқатсизлик варақаси календар кун ҳисобидан берилади.

Юқорида қайд этилган Низомга мувофиқ ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа (шу жумладан, ҳомила тушган ҳолларда) вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча давр учун тўланади.

Ходимга тўланадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик таътили бошланган ойдан олдинги 12 ой даврида олган ва суғурта бадаллари чегирилган барча мукофотларнинг 1/12 қисми нафақа ҳисоблаб чиқариладиган ойлик иш ҳақига қўшиб аниқланади.

Агар ходим муассасада 12 ойдан кам ишлаган бўлса, нафақа меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш муносабати билан бериладиган таътилга қадар ишланган вақтнинг кунлик ўртача иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Нафақани ҳисоблаб чиқариш учун ўртача кунлик иш ҳақи миқдорини вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик рўй берган ойдаги барча иш кунларига бўлиш йўли билан аниқланади. Нафақанинг умумий миқдори кунлик нафақани ушбу ойда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик (ҳомиладорлик ва туғиш таътили) туфайли ишда бўлмаган иш кунлари сонига кўпайтириш йўли билан белгиланади.

Низомга асосан ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида тўланади.

Мардлар қўриқлайди Ватанни

МИЛЛИЙ ҒУРУР ҚАЛБДА ЖЎШ УРСА

Шу йил сентябр ойида Вазирлар Маҳкамасининг «Муддатли ҳарбий муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинган эди. Унда жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини, шунингдек, Қуролли Кучларга муддатли ҳарбий хизматга чақирилган фуқароларни қўшинларга тантанали кузатиб қўйиш ва бошқа чоратадбирлар ҳокимликлар, Мудофаа вазирлиги, маҳалла қўмиталари зиммасига юкланганди.

Хўш, шундай экан, жойларда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда? Чақирилувчиларнинг комиссиялардан ўтишида муаммолар йўқми?

- Бу ишга жорий йилнинг июл ойидаёқ киришганмиз, - дейди Шайхонтоҳур туман Мудофаа ишлари бўйича бўлим бошлиғи, майор Бахтиёр Ташмиров. - Хусусан, кузги чақирув даврида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олиш ишларига юқори даражада тайёргарлик кўриш режаси ишлаб чиқилди. Унга асосан ҳарбий хизматга яроқли йигитларни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг буйруғида кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда саралаш танлови ўтказилди. Бунда чақирилувчининг соғлиғи, маълумоти, мустақил мавзуда баён ёзиш даражаси, оилавий шароити, жисмоний тайёргарлиги ва асаб мустаҳкамлигига эътибор берилди. Танловда мудофаа ишлари бўлими ходимлари билан бир қаторда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамғармаси, халқ таълими бўлими вакиллари фаол қатнашдилар.

Ҳа, бўлимда Вазирлар Маҳкамаси қарорини ҳаётга татбиқ этиш бўйича муайян ишлар қилинди. Жумладан, чақирув участкаси зарур тиббиёт асбоб-анжомлар билан таъминланиб, йигитларнинг сифатли, холисона кўрикдан ўтказилиши таъминланди. Турли ихтисосликка эга бўлган юқори малакали врачлар жалб этилди.

Айни кунларда бўлғуси аскарлар ва уларнинг ота-оналарига Ўзбекистон Республикаси «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунининг Қуролли Кучларимизни мустаҳкамлашдаги аҳамияти тушунтирилмоқда. «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, байналмилалчи жангчилар, уруш қатнашчилари иштирокида ёшларга умуминсоний қадриятларни англатиш, Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғоясига садоқат, шунингдек, Қуролли Кучлар нуфузини ошириш бўйича маърузалар ташкил қилинмоқда. Натижада муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларда мақсадга, ўзини-ўзи рўёбга чиқариш ва такомиллаштиришга доимий интилиш кўникмалари пайида бўлмоқда. Бу ишларга туман прокуратураси ва ички ишлар бошқармаси ходимлари ҳам жалб қилинган.

Айни чоғда ҳокимлик, маҳалла қўмиталари, жамоатчилик билан биргаликда муддатли ҳарбий хизматга отланаётган йигитларни тантанали кузатишмоқда. Ҳарбий хизматдан қайтаётганлар ҳам ана шундай кўтаринки руҳда кутиб олинмоқда.

Ғулом ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири

Қашқадарё вилоятининг сўлим гўшаларидан бири бўлган «Мироқи» санаторийси меҳнаткашларнинг ҳақиқий дам оладиган сиҳатгоҳига айланган. Бу ерда дам олувчилар учун барча имкониятлар етарли.

Суратда: ҳамшира М.Бобоева дам олувчиларни қабул қилмоқда.

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маънавий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида Япониянинг Фукуцима-Ўзбекистон ассоциацияси аъзолари билан учрашув ўтказилди.

Фукуцима-Ўзбекистон ассоциацияси Япониянинг Фукуцима шаҳрида ташкил этилган бўлиб, унинг асосий фаолияти мамлакатимиз билан кунчиқар юрт ўртасидаги маданий-маърифий ва иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган. Ассоциация вакилларининг ушбу ташрифдан мақсади Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳарбий асирликда вафот этган япон аскарларнинг қабрларини зиёрат қилиш, шунингдек, Ўзбекистон-Япония дўстлик жамияти билан ҳамкорликда режаларни кўриб чиқишдан иборат эди.

Учрашув давомида ассоциация билан мамлакатимиз ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш борасида келгуси вазифалар белгилаб олинди.

САМАРАСИЗ КОРХОНА бозорни тарк этиши керак

Долзарб мавзу

(Боши 1-бетда)

Саноатнинг бир қанча тармоқларида тузилмавий ўзгаришлар (реструктуризация), яъни ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш ва ўзлаштириш, мавжуд асосий фондлар ва объектлардан самарали фойдаланиш дастури ишлаб чиқилган ва амал қилмоқда. Фақат шу йилнинг ўзида республикамиздаги корхоналар томонидан 400 га яқин янги турдаги маҳсулотлар ўзлаштирилди ва ишлаб чиқилди, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш эса 8,4 фоизга ошди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, республикамиз ҳукумати белгиланган иқтисодий дастаклар ва имкониятлар ёрдамида келажакда корхоналар иқтисодиётини мустаҳкамлаш учун кўп ишлар қилмоқда. Шулардан бири даромадлардан олинадиган солиқни 24 фоиздан 20 фоизга, ижтимоий суғурталар ажратмасини 37,3 фоиздан 35 фоизга туширилиши ва айрим солиқ турларининг бекор қилинишидир. Зарурий ҳолатларда корхоналар, айниқса, қишлоқ хўжалиги транш ва санация ёрдамига эга бўлмоқда. Ҳар хил лимитлар, квоталар ва чеклашлар бутунлай бекор қилинди, корхоналарнинг товар ва хомашё ресурсларига, шу билан бирга пахта толаси, ёнилғи ва нефт маҳсулотлари, минерал ўғитлар, ўсимлик ёғи, ун, шакар ва бошқа ликвидли маҳсулотларга эга бўлиш тизими ҳам яхшиланмоқда.

Бироқ, ҳамма гап фақат олиб борилаётган ўзгаришларнинг тезлигида эмас, балки унинг қандай йўналтирилганлигидадир. Шунча чора-тадбирлар олиб борилишига қарамай, кўплаб корхоналар ишлаб чиқаришнинг зарурий самарадорлигини таъминламаётганлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлик ва сифатлилик талабларидан йироқлиги, фойда олиш ўрнига кўпроқ зиёнга ишлаши ва бунинг натижасида банкрот бўлаётганлиги ташвишга солмай иложи йўқ. Бунга уларнинг шу кунда миллионлаб сўмга етиб бораётган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари мисол бўлиши мумкин. Айрим корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларининг фақат 20-30 фоиз даражасида ишлаётгани ҳам бозорга хос бўлмаган ҳолатдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 февралдаги йиғилишида Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, 38 та акционерлик жамиятлари 2003 йилда ўз хўжалик фаолиятини зарар билан якунлагани, пудрат ва лойиҳа ишлари бозорининг оқсаётганлиги, лойиҳа-тадқиқот ташкилотларини хусусийлаштириш яхши амалга оширилмаётганлиги, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларида барча резервлар ишга солинмаётганлиги, иқтисодиётнинг хомашё йўналишига боғланиб қолаётганлиги тушуниш қийин бўлган ҳақиқатдир.

Шу каби бошқа тенденцияларнинг келиб чиқиши бугун ва доимо фақат корхоналарнинг айби билангина бўлмаётганлиги ҳаммага тушунарли. Ягона бўлмаган кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, корхона раҳбарлари орасида улар ўзи бошқараётган корхона иқтисодиёти ҳолатига «нима бўлса бўлсин» қабилида иш юритмаяптилар, яъни ўз вазифаларига бефарқ муносабатда бўлмаяптилар. Аммо амалиётда ишлар аксинча бўлмоқда: уларнинг кўпчилиги корхона иқтисодиётини яхшилаш учун қилиш мумкин ва мумкин бўлмаган имкониятларни ишлатмоқдалар. Шулардан бири – ишлаб чиқаришни замонавий техникалар асосида қайта жиҳозлашдир. Лекин бунинг учун таҳлиллар кўрсатгандай, корхоналарнинг айрим ҳолларда ўз «қуввати» етишмайди, айниқса, бизга маълум бўлган ҳар доим чекланган хусусиятга эга бўлган молиявий ресурслар масаласида бу ҳолни кузатиш мумкин.

Фикримизча, корхоналар лотларни ишлаб чиқараётган, яъни бир сўз билан айтганда, самарасиз корхоналар ҳеч муболағасиз бозорни тарк этишлари даркор. Бу ерда гап стратегик бизнес – режа ва лойиҳага эга бўлган, лекин вақтинчалик молиявий қийинчиликка учраган корхоналар ҳақида кетмоқда. Ҳақиқатдан ҳам корхоналар ўз навбатида имкониятларини етти ўлчаб, ундан кейин банклардан зарурий молиявий қўллаб-қувватлашни сўраб мурожаат қилиши лозим. Бозорнинг ўзаро муносабатлар қонуни ҳам айнан шундан иборатдир.

Шу билан бир қаторда жадал суръатларда халқ хўжалигини қайта таъмирлаш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, тузилмавий қайта қуриш курсининг ўсишини қўллаб-қувватлаш, эскирган технологияларни, ишлаб чиқаришни ва маҳсулотларни янги, рақобатбардош, эгилувчан, юқори даражада автоматлашганларига тезда алмаштиришни умумдавлат стратегияси деб билиш мақсадга мувофиқдир. Қисқача қилиб айтганда, яхши ўйланган ва ўзгартирилмасдан амалга ошириладиган янги ишлаб чиқариш аппарати, янги иш жойларини яратиш, қайсики, халқ хўжалигига ёш меҳнат ресурсларини жалб қиладиган ва ўзига қаратадиган сиёсат талаб қилинади. Иқтисодиётнинг барча жабҳаларини, шу билан бирга корхоналар миқёсида ҳам яхшилаш истиқболи шунда.

Корхона иқтисодиётини яхшилаш учун, албатта, чет эллик ҳамкорлар ва инвесторлар билан алоқада бўлиш лозим. Маълумки, чет эл инвесторларини нафақат табиий ресурслар, балки мамлакатимиздаги нисбатан арзон ишчи кучларидан фойдаланган ҳолда меҳнат сиғимига эга бўлган ишлаб чиқаришни жойлаштириш имкониятлари ҳам қизиқтиради ва ўзига жалб қилади. Таҳлилларнинг кўрсатишича, Европада бундай имкониятларга эга бўлган мамлакатлар сони оз қолмоқда. Шу сабабли уларнинг эътибор маркази собиқ иттифоқ республикаларига қаратилган. Мантиқан бу ёмон эмас ва бу эса ўз навбатида давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига олиб келади.

Аммо бир нарсани ҳамиша ёдда тутишимиз даркор. Бизни безовта қиладиган тузилмавий ўзгаришлар, кўп капитал талаб қиладиган, лекин даромад бермайдиган, аммо республикамизнинг соҳа ва ишлаб чиқариши ҳаётийлиги учун ўта зарур бўладиган ривожланиш истиқболлари муаммолари бўйича чет эллик инвесторлар унча қайғурмайдилар. Шу сабабли биз асосий бўлган тармоқларни ривожлантириш, иқтисодий мустақилликни таъминлаш учун ички инвестициялаш манбаларимизни излаб топишимиз лозим. Бу биринчи навбатда муваффақиятли фаолият юритиш орқали ўз иқтисодий барқарорлигини таъминлайдиган, шу билан бирга миллий иқтисодиётнинг самарали шаклланишига олиб келадиган корхоналарга боғлиқ.

Эркин МАҲМУДОВ, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети профессори, Равшанбек НАЖИМАДИНОВ, ассистент

Шавкат СУЛТОН олган сурат

ВАЗИФАСИНИ БАЖАРИШГА КИРИШДИ

Индонезиянинг янги президенти Сусило Бамбанг Юдхойоно расман ўз вазифасини бажаришга киришди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанада кўплаб хорижий давлатлар вакиллари ҳам иштирок этди.

Яқинда Индонезияда давлат раҳбарлигига илк бор тўғридан-тўғри умумхалқ сайлови бўлиб ўтди. Энг олий лавозим учун асосан икки номзод - амалдаги президент Мегавати Сукарнопутри ҳамда истеъфодаги генерал Сусило Бамбанг Юдхойоно ўзаро курашди.

Иштирокчиларнинг 61 фоизи генерал учун овоз берди. М.Сукарнопутри 39 фоиз овоз билан чекланишга мажбур бўлди.

Индонезиянинг 60 йиллик тарихига атиги олти президент кирган. Мамлакат узоқ йил ҳарбий бошқарув остида бўлган. Бу гал ўтказилган илк умумхалқ сайловида 116 миллион киши овоз бериш жараёнида иштирок этди.

Кузатувчиларнинг фикрича, янги раҳбар олдида қатор муаммоларни ҳал этиш, жумладан, иқтисодиётни оёққа турғазиш, мамлакатда авж олиб кетган коррупция ва уюшган жиноятчиликка чек қўйиш вазифалари турибди.

Айниқса, иқтисодий муаммоларга барҳам бериш ғоят долзарб масала. Маълумотларга кўра, айни пайтда мамлакатнинг ички ва ташқи қарзлари 138 миллиард АҚШ долларига тенглашган. Устига-устак, ишсизлар кундан-кун кўпайиб бормоқда.

Шарҳловчи минбари

Марказий бошқарув тизими ҳам анча сустлашган. Шу боис чекка ҳудудлар, хусусан, Ачеҳ, Малуку, Папуа каби вилоятларда бошбошдоқлик авж олмоқда.

БУЮК БРИТАНИЯ ФУҚАРОСИ ЎҒИРЛАНДИ

Ироқда жиноий гуруҳлар томонидан хорижий нохарбий мутахассисларнинг гаровга олиниши бархам топмаётир. Ўтган сешанба куни «Кеир интернэшнл» халқаро инсонпарварлик ташкилотининг Бағдоддаги ваколатхонаси раҳбари Маргарет Хассан ўғирлаб кетилди.

«Кеир интернэшнл» Ироқ аҳолисига беғараз ёрдам кўрсатиб, ичимлик суви, дори-дармон ва бошқа зарур нарсаларни етказиб бериб келаётганди. Унинг ходимлари маҳаллий аҳолига таълим бериш билан ҳам шуғулланаётган эди. Тартибсизликлар кучайиши оқибатида ташкилот ваколатхонасидаги барча хорижий мутахассислар мамлакат ҳудудини тарк этишга мажбур бўлди.

Ироқда 30 йилдан ортиқ вақт давомида истиқомат қилган Маргарет Ҳассан эса Бағдодда қолиб, маҳаллий аҳоли вакилларидан иборат ходимлар билан бирга ўз фаолиятини давом эттириб келаётганди. У ҳам Буюк Британия, ҳам Ироқ фуқаролигига эга.

Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Маргарет хонимни қидириб топиш бўйича барча зарур чоралар кўрилажагини маълум қилди. «Кеир интернэшнл» ваколатхонаси раҳбарини кимлар ўғирлаб кетгани ҳали аниқланганича йўқ. Бош вазирнинг фикрича, бу жиноят Буюк Британиянинг Ироқдаги аксилтеррор ҳаракатларидан норози бўлган экстремистик тўдалар томонидан амалга оширилган.

ХИТОЙЛИК КОНЧИЛАР ҲАЛОКАТИ

Хитойнинг Хэнан вилоятидаги «Дапин» газ конида кучли портлаш юз берди. РАТА-ТАСС хабарига кўра, бахтсиз ҳодиса натижасида олтмишга якин кончи курбон бўлган, юзга якинининг эса тақдири номаълум. Портлаш вақтида ер остида тахминан 400 кончи ишлаётган эди. Улардан икки юзи омон қолган, холос. Расмий маълумотларга кўра, 150 нафар ишчи ер остида қолиб кетган.

Ҳозирча ҳалокатнинг келиб чиқиш сабаблари аниқлангани йўқ. Қутқарув-текширув ишлари бошлаб юборилди. Мингга яқин қутқарувчи ер остида қолганларнинг жасадини олиб чиқиш билан машғул.

Хитой Давлат ишлаб чиқариш хавфсизлигини назорат қилиш бошқармаси раҳбарининг ўринбосари Сун Хуашаннинг таъкидлашича, ҳукумат ишлаб чиқариш ва тоғ-кон саноати соҳаларида бундан буён хавфсизлик чоратадбирларини янада кучайтиради, кончилар ҳаётини суғурталаш тизимини яхшилашга жиддий эътибор қаратади.

(ЎзА)

Маънавият сабоғи

Қадимда бир аёл бўлган экан. У саккизта келинига хар куни окшом чоғи «чирокларингни олиб келинглар» деркан. Сўнгра бир дона гугурт чўпи билан саккизта чироқни ўзи ёқиб берар экан. Қўшнилар «бу жуда хасис кайнона, хатто гугурт чўпиниям тежайди», деб гапиришар экан. Ҳалиги аёл бўлса бундай гап-сўзларни эшитмаганга олар, муҳими, унинг рўзғоридан кут-барака аримас, хонадонида хотиржамлик ҳукм сураркан.

РЎЗҒОР ЮРИТИШ – САНЪАТ

Аксариятимиз тежамли аёлларни хасис деб ўйлаймиз. Ош-овқатдан қисиб, дуруствоқ кийинмасдан ... пул йиғиш шартмикин, дея энсамиз қотади баъзан. Аслида шу тўғрими?

Қишлоғимизда Санобар опанинг «хасис»лиги ҳақида турлича миш-мишлар юради. Қишда қор сўрасанг бермайди, дейди кимдир. Шу одати билан эрини бой қилади-да, дея гапга қўшилади яна бири.

Менинг назаримда, у тадбиркор. Бирорта фирмаси ёки деҳқон фермер хўжалиги бор экан, деб ўйламанг. У рўзғорда эпчил! Ховлисига осмондан битта чўп тушсаям уни керак бўлиб қолар деб бир четга олиб қўяди, дея киноя қилишади узоқ-яқинлари.

Нимадир бўлиб ҳамқишлоқдошлардан бирига катта миқдорда пул зарур бўлиб қолади. Бунча пул фақат Санобар опадан топилади, дейишади унга.

- Борсам... тағин топиб беролмай уялиб қолса.

- Э, Санобарда пул бўлмаса, дарёда сув ҳам бўлмайди. Лекин биласиз, тили аччиқ. Чидаб турасиз да!

Ҳалиги одам истиҳола билан дарвозани қоқади.

- Кираверинг, шу ердаман, - деган товуш эшитилади яқингинадан.

Ҳамқишлоғи очиқ эшикдан ичкарига қадам қўядию оғилхона ёнида қўлларига резина қўлқоп кийиб таппи ясаётган Санобар опани кўриб тўхтаб қолади.

- Ие, қайси замонда яшаяпмиз? Тайёргина газ келиб турган бўлса, ўтин-чўп мўл, нега бу ишни...

- Газнинг ҳам, ўтиннинг ҳам ҳисоб-китоби бор. Қолаверса, олдимизда қиш, тандир-ўчоқ тоғдай ўтинниям ямламай ютади, - дейди Санобар опа.

- Мен сендан озгина... Биласанми, эскилар айтишган, садақа берганга ўн бир савоб, қарз берганга ўн саккиз савоб ёзиларкан. Менга пул зарур бўлиб қолувди, шунга келдим.

Санобар опа қўлқопини ечиб қўйиб, ҳамқишлоғининг олдига келди.

- Садақаниям, қарзниям муҳтож одамга берсак, савоби тегади. Буни биламан. Сизнинг томорқангиз меникидан икки баробар катта. Лекин ёзи билан бекор ётди. Мен бола-чақам билан ер тирнаганимда сиз улфатчиликдан бўшамадингиз. Мен икки туп олманинг ҳосилини бутун қишга етказаман, сиз-чи? Кўкламда дорилашга эринасиз, қурт тушиб, пишмасданоқ тўкилиб адо бўлади. Узумингиз ғиж-ғиж ҳосил қилди, на бозорга олиб чиқдингиз, на болаларга эплаб едиргингиз, ҳузурини майналар кўрди. Уйингиз орқасидаги йўғон-йўғон теракларни кесиб ўтинга ишлатдингиз. Иморат қураётганларга сотсангиз, ҳозир мендан пул сўраб ўтирмасдингиз. Мана мен, теракларим кесилиб кетмасин деб, таппи ясаяпман. Хўш, айтаверайми? Гапларимни кўнглингизга олмангу, бировдан пул сўрамай десангиз, мендай «хасис» бўлинг!

Санобар опа мана шунақа аёл!

Унинг уй тутиши, тежамкорлиги ва тадбиркорлигини тўғри баҳолаб, уни қўллаб-қувватлаб келгувчилар кўп.

Баъзи бировлар беш гектар жойга эплаб экин эколмайди. Санобархон беш сотих еридан қайта-қайта ҳосил олади. Мева-чева, сабзи-картошкаси рўзғоридан ортса бозорда пуллайди!

Ўзининг айтишича, уйида «Сарф-харажат» дафтари юритармиш! Худди чет элдагидай...

Помидори пишса, ён-атрофига қўйтикан қадаб чиқади. Товуқларнинг чўқиб кетишидан асрайди-да.

Аслида, оила иқтисодини яхшилашнинг қулай усули пулни тежаш ва режа билан ишлатишдан иборат. Чунки рўзғор жамғармасини ҳуда-беҳуда харж этсанг, ҳаракат қилиб унинг ўрнини тўлдиргил!».

Оила даромадини оширишнинг яна бир усули ҳисоб-китоб билан рўзғор тебратиш.

Манбаларда келтирилишича, таниқли физик олима Мария Кюри оила қургандан сўнг харид қилган биринчи буюми дафтар бўлган. Дафтар муқовасига Кюри хоним ўз қўллари билан «ҳисоб-китоб» деб ёзиб қўйган.

Японлар бу соҳада анча пишиқроқ, улар уй бекаларига кўп чўнтакли (озиқ-овқат, кийим-кечак, дам олиш кабилар учун) ҳамёнлар бўлиши кераклигини тавсия этадилар.

Аниқ ҳисоб-китобга асосланган немис халқининг батартиб турмуш тарзи эса ҳавас уйғотади. Чиндан ҳам оилада эркак «хазинабон» бўлса-да, рўзғор юритиш санъати аёл қўли, аёлнинг ақл-идроки билан амалга оширилади. Ҳар бир хонадон бекаси ўз уйи, ўз рўзғорининг барокати учун доимо қайғуриб, оила даромадини оширишга эришмоқлари керак. Оиланинг молиявий фаолиятини яхшилашда иқтисодий билим, режа ва тадбиркорлик устуворлиги доимо зарурлигини унутмайлик.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

ЗИЁДУЛЛО БАХШИ ДЎМБИРА ЧЕРТГАНДА

Оқтош шаҳрида яшаб ижод қилаётган Зиёдулло бахши Исломовга Мустақиллигимизнинг 13 йиллик тўйи арафасида «Ўзбекистон халқ бахшиси» унвони берилди. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган «Алпомиш», «Гўрўғли», «Кунтуғмиш», «Орзигул», «Ширин ва Шакар» каби достонлар Зиёдулло бахшига отаси Ислом Шоирдан мерос бўлиб қолди. Энди у ўз навбатида шогирдларига бахшичиликдан сабоқ бермоқда.

Зиёдулло бахши бир неча бор республикамиз бахши шоирлар кўрик-танловларида фаол иштирок этган. Айни пайтда Дилшод Ҳамроев, Райҳона Ҳамдамова, Тўхтамурод Тоғаев ва бошқа ёш бахшилар Зиёдулло бахшидан дўмбира жўрлигида достон ҳамда термаларни ўрганмоқда.

Суратда: Зиёдулло бахши шогирдлари билан.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.



ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Профессионал бокс

РУСЛАН РИНГГА ЧИҚАДИ

Якинда ҳамюртимиз Темур Иброҳимов профессионал бокс бўйича америкалик Шон Робинсонга қарши жангда рақибини енгиб, WBC Fecarbox чемпионлик камарини қўлга киритган эди.

Энди яна бир ўта оғир вазнли ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси андижонлик Руслан Чагаев навбатдаги жангини ўтказадиган бўлди. Беллашув 26 октябр куни Германиянинг Росток шаҳридаги Scandlines Arena спорт мажмуида ташкил этилади. Унда ҳамюртимиз америкалик профессионал боксчи Вилли Вильямс билан куч синашади.

Руслан Чагаев профессионал рингда енгилмас боксчилардан. У ўн уч жангдан ўн иккитасини ўз фойдасига ҳал қилган, бир учрашувда дуранг натижа қайд этилган. Рақибларини ўн марта нокаутга учратган Руслан Чагаев жаҳон рейтингида олтмиш тўққизинчи ўринда.

(ЎзА)

Саховат

Педагогика коллежимизда ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсонлар, етук кадрлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу жараёнда бутун жамоамиз фаол иштирок этмоқда.

БАНКДА ҳисоб рақами очилди

Билим масканимизда бошланғич синфларда таълим-тарбия ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси йўналишларида 110 нафар ўқувчи касбга ўргатилмоқда. Уларга 4 нафар махсус, 18 нафар умумтаълим фанлари ўқитувчилари сабоқ беришмоқда. Давлат таълим стандартлари бўйича жиҳозланган мавжуд 30 та хонада ўқув ишлари кўнгилдагидек олиб борилмоқда. Компьютер синфимизда 13 та «Pentium-4» авлодли компьютер ўрнатилган. Шунингдек, талабалар математика, чет тили, она тили, адабиёт, Ўзбекистон Конституцияси, пазандачилик, эстетика фанларидан электрон дарсликлар билан таъминланган. 4 та ўқув лингафон хоналари ишлаб турибди. Мазкур ўқув йили учун тузилган жамоа шартномамиз бўйича ўқитувчиларга қулай меҳнат шароити яратилган. Уларга ўртача 35-50 минг сўм миқдорида ойлик маош, ҳар чоракда мукофот пуллари берилмоқда. Кам таъминланган ўқитувчилар Жамила Худойшукурова, Рўзиқул Худойқулов, Санобар Боймановаларга касаба уюшмамиз ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, кекса муаллимлар Адолат Эгамова ҳамда Эргаш Ортиқов «Хонжиза» дам олиш уйида ҳордиқ чиқаришди.

Ўқувчиларга чуқур билим бериш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Улар 8 та фан тўгаракларида билимларини оширмоқдалар. Замонавий спорт зали ишлаб турибди. У ерда ўғил-қизлар учун ювиниш хоналари, 2 та кўчма турник, волейбол ва миллий кураш майдончалари бор. Бундан ташқари, футбол ўйингоҳи, волейбол ва баскетбол майдонларида ўқувчилар мунтазам спорт билан шуғулланиш имконига эга. 50 ўринли ётоқхона, ошхона, бой китоб фондига эга кутубхона намунали фаолият кўрсатмоқда.

«Меҳр ва мурувват йили» давлат Дастури асосида ходимларни ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратяпмиз. Кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳисобланган 18 нафар ўқувчига доимий кўмак бериб борилмоқда. Ота-онасиз бир қизимиз номига туман «Халқ банки»да ҳисоб рақами очиб, 180 минг сўм маблағ ўтказиб бердик. 6 нафар боқувчисини йўқотган ўқувчимизга 309 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг ҳар бирига кийим-кечаклар совға қилинди.

Баҳодир ХОЛМАТОВ, Музработ педагогика коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси

ХАЙРИЯ ФЕСТИВАЛИ

Ногирон болалар бадиий илмий тадқиқот маркази фаолияти кенгайиб бормоқда. Бу ерда амалга оширилаётган турли ижодий тадбирларни ташкил этишда жамоат ташкилотлари ҳам яқиндан кўмаклашмоқда.

Марказда болалар бадиий ижодиётини ривожлантириш мақсадида навбатдаги тадбир амалга оширилди. Гап шундаки, Тошкентда болалар ва ёшлар ижодиёти фестивали ўтказилди. «Олтин ёшлик бўсағасида» деб номланган бу хайрия тадбирини уюштиришга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими, «Бунёдкор» ёшлар телеклуби яқиндан бош қўшдилар.

Фестивал дастури доирасида «Инсон табиати» бадиий кўргазмаси, экологик ёшлар брифинги , «Мафтункор шарқ гўзаллари» фотомоделлар танлови ҳам ташкил этилди. Болалар либослари моделлари кўргазмали шоусида ҳам кўпчилик қатнашди. Ана шу фестивалдан тушган маблағ хайрия тариқасида марказга берилди.

А.АЛИЕВ

Биласизми?

КАТТА ОЛАМ

Маълумки, қуёш ўртача бир юлдуз бўлиб, у Сомон йўли тизимига – Галактикага киради. 100.000.000.000 юлдуздан иборат ясси спирал шаклидаги ана шу галактиканинг марказидан узоқроқдаги бир тармоғида қуёш жойлашган.

Бизнинг галактикага ўхшаган бошқа галактикалар беҳисоб. Олам деб аталмиш ушбу галактикалар мажмуасини, яъни метагалактикани оптик ва радиотелескоплар орқали кузата оламиз.

Ҳали фанда бошқа Олам борлигини аниқламаган бўлсак-да, аммо биз ҳозирча сезмайдиган ўзга оламлар ҳам бўлиши мумкинлигини инкор қилмаслигимиз керак. Шунинг учун улар катта Олам деб юритилади. Агар оламнинг ёши фанда 15-20 миллиард йил бўлса, катта Оламники чексиздир.

БАЛИҚ МУЗЕЙИ

АҚШнинг балиқчилик билан шуғулланувчи ҳудудларидан бирининг ўртасида узунлиги 70 метр, баландлиги 14 метрли балиқ шаклидаги музей бунёд этилган. Кўп қаватли музейнинг ўртасига чўртанбалиқ ўрнатилган бўлиб, балиқ ови ишқибозлари у ерда қармоқларнинг энг қадимгисидан тортиб замонавийсигача танишишлари мумкин.

Чўртанбалиқ оғзининг узунлиги ўн метрдан ортиқ бўлиб, томошабинлар бу ердан туриб дарёни, гўзал хиёбонлар ва балиқчиларнинг уйчаларини завқ билан томоша қиладилар.

Ҳафта давомида балиқ музейига мингдан зиёд томошабин ташриф буюради. Улкан чўртанбалиқ мустаҳкам шиша толали пластмассадан ишланган бўлиб, уни битириш учун ярим миллион доллар сарф қилинган.



КРОССВОРД

Ёйлар бўйича: 1. Дорбоз қўллайдиган мослама, анжом. 2. Оптик квант генератори, энергияни кучли зичликда йўналтирувчи манба. 3. Илк бор очиқ космосда бўлган фазокор. 4. Европа давлати пойтахти. 5. Покистондаги провинция маркази. 6. Қадимги юнон адиби, ҳажвий асарлар муаллифи. 7. Болтиқ денгизи бўйи давлати. 8. Жануб меваси. 9. Кема бошловчиси, мутахассис. 10. Кимё соҳасида индикатор сифатида ишлатиладиган бўёқ модда. 11. Халқ эртагидаги ботир, паҳлавон. 12 Узуноёқ парранда. 13. Оптик шиша ишлаб чиқариш ашёси, кимёвий элемент. 14. Ўзбек уруғи. 15. Қуролли қўшин мажмуи. 16. Роҳат- ҳузурланиш ҳисси. 17. Қўшиқ тури. 18. Маълум бир ишга қобилият. 19. Рўзғор буюми, идиш. 20. Балиқ тури. 21. Илмғоҳ. 22. Юнонистон фалсафасида «сўз»ни англатган атама. 23. Осиё қитъаси ғарбидаги давлат. 24. Сўзлар тўплами. 25. Қўнғир тусдаги сувўтлар туркуми. 26. Рус олими. 27. Нутқдаги нуқсонларни олдини олишни ўрганувчи фан соҳаси. 28. Рус мумтоз шоири. 29. Темир йўл транспорти воситаси. 30. Бухоронинг ўрта асрларга мансуб меъморий обидаси.

Ф. ОРИПОВ тузди

Дўст ачитиб гапиради

ТАСМАДАГИ ОҒУЛАР

Хизмат тақозоси билан Тошкентдан Урганч шаҳрига автобусда йўлга чиқдим. Йўловчиларга лиқ тўла автоулов ўрнидан жилгач, дераза лардан кираётган шабада толиққан кишиларга жон киритгандек бўлди. Ҳайдовчилар қулоқни коматга келтириб, магнитафондан куй-қўшиқ қўйиб юборишди. Уч-тўрт соат бетиним янграган енгил-елпи ашулалар тузсиз таомдек кўпчиликнинг меъдасига тегди.

–Мумтоз ашулалардан бўлсин, жўражон, – деди мен билан ёнма-ён ўриндикда ўтириб келаётган зиёлинамо киши.

–«Сегоҳ»ни уйингизда эшитасиз, ёшулли,– жавоб қайтарди ҳайдовчи ва магниттасмани қўйиб юборди. Айтишувнинг бир ерига келганда хонанда: «Оқ сийнамни кат қиламан ётсангиз, қизил юзни бол қиламан ўпсангиз»,–деса бўладими?! Олдимиздаги ўриндиқда ўтирган бир жувон «Вой шарманда» деб юборди...

Автобус ичида ҳали мактаб ёшидаги болалар, ёш йигит-қизлар бор эди. Уларнинг юзларида ҳаёни унутиб қўйган катталардан норозилик акс этарди. Буям ҳалво экан, бир оздан кейин бошқа бир хонаданинг «ликир–ликир, ликирларинг ё аълам», деган хониши, яна бир халфа ашулачининг «Белимдан пасти жимбирлаб кетди, ана лангур, лунгир», деб бошланадиган ашуласини эшитиб лол қолдик. Ҳайдовчидан магнитофонни ўчиришни талаб қилдик.

Орага ноқулай жимлик чўкди. Бироздан кейин ҳамроҳим гап бошлади:

–Лазгисифат бир ашулада, санаб чиққанман, «Охо, охо, охо», «Вохо, вохо, вохо» деган сўзлар 38 марта такрорланади. Яна бир хил ашулаларда «Лобирда киштак, воҳай», «Лобирда бирдам, бирдам» каби тушунарсиз сатрлар бор. Мана, эшитганингиз «Лангир, лунгир»–нима дегани?

Ҳамроҳимнинг куйинганича бор. Бачкана бундай қўшиқлар киши маънавиятини бузишдан бошқага ярамайди. Ахир санъат инсонга эстетик завқ бағишлаши, ёрга муҳаббат уйғотиши, Ватанга содиқ ва ота-онага меҳрли бўлишга ундаши керак–ку. Айрим «қўшиқчи» шоирлар ашулачиликнинг савиясини туширишга катта ҳисса қўшмоқда. Айниқса, бемаза қовуннинг уруғидек кўпайиб бораётган халфа ашулаларида беҳаё сўзлар кенг ўрин эгалламоқда. Бу шармсиз «нағмалар» ёшларимизнинг маънавиятини заҳарловчи оғуга айланмоқда.

–Мен педагогман, шуни яхши биламанки, ёшлар ниҳоятда тақлид қилувчан бўлишади,– гапида давом этди ҳамроҳим.–Улар катталарнинг хатти-ҳаракатини кузатиб боришади. Ота-боболаримиз ор-номусни ҳар нарсадан устун қўйиб келишган.

Ҳақиқатан, Хоразм қўшиқчилик санъати кейинги пайтларда аралаш-қуралаш бўлиб кетмоқда. Ҳожихон Болтаев, Мадраҳим Шерозий, Комилжон Отаниёзов сингари ҳофизлари билан дунёга танилган воҳада мумтоз ашулаларга эътибор сусаймаяптимикан? «Мақом айтишувлари», «Мақом» каби кўрсатувлар камайиб кетди. Мақом ижрочилари ўртасидаги танловлар деярли ўтказилмаяпти.Енгил-елпи ашулалар баҳордаги қўзиқоринлардек кўпайиб бормоқда. Ахир куйга солиб айтилган ҳар қандай гап қўшиқ бўлавермайди-ку!...

Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири

Волейбол

КУБОК МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНДИ

Пойтахтимизда волейбол бўйича аёллар жамоалари ўртасида Ўзбекистон кубоги учун беллашувлар бошланди.

Мусобақанинг биринчи кунида Тошкент шаҳрининг «Тўмарис-СКИФ» жамоаси «Хоразм-коллеж»ни (Урганч) 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Худди шу ҳисоб Наманганнинг «Педколлеж» ҳамда «Университет» (Бухоро) жамоалари баҳсида қайд этилди ва унда водийликларнинг қўли баланд келди.

ФАЗОГИРЛАР БИЛАН ДЎСТЛАШИБ

Бундан ўн йил муқаддам «Орзу» деб номланган ҳужжатли фильм яратилган эди. Бу ижодий жараёнда таниқли кинотасвирчи Абдулла Тўлагановнинг хизмати катта бўлган эди.

Ҳужжатли фильмда халқаро космик мактабда фазогир бўлиш орзусида билим ва малака орттираётган умидли ёшларнинг орзулари ҳақида ҳикоя қилинади. Орадан кўп ўтмай бу изланувчан оператор «Коинотга парвоз» деб номланган фильмини суратга олди.

Шу тариқа Абдулла Тўлаганов Ўзбекистонда космик парвозлар ҳақида фильмлар яратувчи иқтидорли киносанъаткорга айланди.

«Ўзбеккинохроника» студиясида ўттиз йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган истеъдодли киносанъаткор 150 дан ортиқ ҳужжатли фильмлар устида ишлади. У ўзбек фазогири Солижон Шарипов билан ҳам дўстлашди. Бу машҳур фазогир тўғрисида қатор кинолавҳалар тасмаларга туширилди.

Оператор Солижон Шарипов ҳақида киноочерк яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бунда Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистонда фазогир тўғрисида суратга олинган лавҳалардан ҳам кенг фойдаланилди.

А. АКБАРОВ

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 22.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Тиражи: 8471 Буюртма Г– 817

1 2 3 4 5 6